

**МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ИНТЕРФАОЛ
ЎЙИНЛАРНИ ТАШКИЛ МЕТОДИКАСИНИ ҚЎЛЛАШ
САМАРАДОРЛИГИ**

*Касимова Дилрабо Баходировна
“Масофавий таълим” кафедраси ўқитувчиси
Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети
Ўзбекистон Республикаси*

Аннотация: мақолада мактабгача таълим муассасалари сифатини ва самарадорлигини ошириш бўйича усул ва методик тамойиллар кўриб чиқилган.

Калим сўзлар: интерфаол усуллар, педагогик маҳорат, таълим сифати, ўқитиш технологиялари.

**EFFECTIVENESS OF THE METHODOLOGY OF ORGANIZING
INTERACTIVE GAMES IN PRESCHOOL EDUCATIONAL
INSTITUTIONS**

*Kasimova Dilrabo Baxodirovna
Teacher of the department "Distance Education"
Tashkent State Pedagogical University named after Nizami
Republic of Uzbekistan*

Abstract: The article discusses the methods and methodological principles for improving the quality and efficiency of preschool education.

Keywords: interactive methods, pedagogical skills, quality of education, teaching technologies.

Республикамизда баркамол авлод таълим-тарбиясига оид бир қатор вазифалар амалга оширилаётган булиб, бу жараён цар томонлама ривожланган интеллектуал салоҳиятли ёшларни тарбиялашга замин ҳозирламоқда.

Баркамол авлодни шакллантириш дастлаб оилада, сунгра мактабгача таълим муассасасида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим т^арисида»ги Қонунининг 11-моддасида: «Мактабгача таълим бола шахсини соғлом ва етук, мактабда уқишга тайёрланган тарзда шакллантириш мақсадини кўзлайди. Бу таълим олти-етти ёшгача оилада, болалар боғчасида ва мулк шаклидан қатъий назар, бошқа таълим муассасаларида олиб борилади»[1], дейилган.

Ўзбекистон Республикасининг Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида мактабгача таълим -узлуксиз таълим тизимининг биринчи тури эканлиги ва мактабгача тарбияни ривожлантириш учун зарур булган вазифалар қаторида мактабгача таълимнинг самарали психологик педагогик-услугларини излаш ва жорий этиш кераклиги белгиланган. Шунингдек, 4.9-бандида «Барча боскичдаги таълим жараён-ларини компьютерлаштириш ва ахборотлаш-тириш амалга оширилади»[2], деб таъкидланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 29 декабрдаги «2017-2021 йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари туғрисида»ги ПҚ,-2707-сон қарори билан «Мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш буйича 2017-2021 йилларга мулжалланган дастур» тасдиқланди ва мазкур Дастурнинг асосий мақсадли вазифалари ва йуналишлари қаторида мактабгача таълим сифатини ошириш, мактабгача таълим муассасаларида болаларни мактабга сифатли тайёрлашни тубдан яхшилаш, таълим-тарбия жараёнига жаҳон амалиётида кенг қулланиладиган замонавий таълим дастурлари ва технологияларини жорий этиш вазифалари белгиланган.

Юкорида баён килинган далиллар мактабгача таълим муассасаларининг таълим-тарбия жараёнида инновацион технологияларни татбиқ этиш, машғулотлар жараёнида интерфаол ўйинлар ва мультимедиа воситаларидан фойдаланиш, тарбияланувчиларнинг компьютер саводхонлигини шакллантириш, уларни компьютердан элементар тарзда фойдаланишга ургатиш ва мактаб таълимига тайёрлаш долзарб вазифалардан бири эканлигини курсатади.

Республикамизда қабул килинган бир катор меъёрий ҳужжатларда, таълим соҳасига янги инновацион технологиялардан, жумладан, мультимедиа технологиясидан фойдаланиш долзарб масала эканлиги қайд этилган. Ҳозирги кунда таълим соҳасида мультимедиага асосланган электрон дарслик, кулланма ва турли электрон дидактик воситалар яратилмоқда ҳамда улардан фойдаланиб келинмоқда. Аммо мактабгача таълим муассасалари таълим-тарбия жараёнида мультимедиа технологиясидан фойдаланиш ва шу асосда машғулотлар жараёнида инновацион услубларни татбиқ этиш имкониятлари етарлича ишлаб чиқилмаган. Узлуксиз таълим тизимининг биринчи тури булган мактабгача таълимда ҳам инновацион технологияларни излаш, ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш бугунги куннинг долзарб вазифаси ҳисобланади.

Мактабгача таълим муассасаларининг таълим-тарбия жараёнига фойдаланишга мулжалланган инновацион технологияларидан бири таълимий мультимедиа технологияси ҳисобланади. Мультимедиа технологияси замонавий ахборот технологиясининг тез ривожланаётган йуналишларидан бири булиб, қуйидаги ташкил этувчиларидан иборат: матн, жадвал, графика, мусика, безак, анимация, аудио, видео. Муаллифнинг фикрича, таълимда интерфаол ўйинлар, мультимедиа технологияси ва воситаларидан фойдаланиш услуги «мультимедиавий ҳужум» услуги деб номланиди.

Хар бир педагогик, таълим ва бошқа технологияларнинг уз услуби булгани каби таълимий мультимедиа технологиясининг ҳам уз услуби мавжуд. «Мультимедиавий хужум» услуби таълим жараёнида фойдаланишга мул-жалланган булиб, бу услубдан фойдаланишда таълим берувчи аввало урганиладиган материалга тегишли мультимедиа интерфаол дастурий махсулот тайёрлайди. Бола миясига урганиладиган укув материали бир вақтнинг узида матн, аудио, видео, графика, мусика ва анимация курунишида таъсир этилса, мате-риални кабул қилиш ва хотирада сақланиши ортади. Бу «мультимедиавий хужум» услубининг асосий мазмуни хисобланади.

«Мультимедиавий хужум» услубидан машғулотнинг янги материални ургатиш қисмида қулланилади. «Мультимедиавий хужум» услубининг афзаллиги қуйидагилардан иборат:

- мультимедиа дидактик восита жози-бали, таъсирчан, ҳаракатчан (динамик ҳолат) самара беради;

- укув материалнинг мультимедиа курунишда тақдим этилиши натижасида бола мия-сининг иккала ярим шари бир вақтда ишлайди;

- мультимедиавий хужум натижасида болаларнинг диққатлари барқарорлашади, фикрлашлари ортади ва укув материаллари қуқроқ кабул қилинади;

- гуруҳлардаги болаларнинг фаолликлари ортади;

- мультимедиа дидактик восита интерфаол дастурий махсулот хисобида маълум бир миқдорда вақт тежалади, тежалган вақт хисобига болага қушимча маълумот бериш имқонияти яратилади.

Мақтабгача ёшдаги болаларга мулжалланган мультимедиа технология фикримизча, анъанавий технологияларга нисбатан қуйидагилар билан фарқланади:

- болаларнинг психологик жихатлари;
- болаларнинг ёши (6-7 ёш);

- компьютерли машҒулотнинг давомий-лиги (15 дакика);
- материалнинг болаларга мослиги (мультимедиа шаклида);
- материалнинг х,ажми (30 дакикага мулжалланган);
- материалнинг мураккаблик даражаси (болалар учун содда материаллар танланади);
- уларнинг фаоллик даражалари.

Мактабгача ёшдаги болалар учун яратилган мультимедиа компютер технологияси вариантыда технологик ёндашув куйидагича кечади: мактабгача таълим муассасалари тар-бияланувчисининг урганиладиган материални узлаштиришини кулайлаштириш ва осонлаштириш мақсадида материал бир-бири билан боғлиқ қисмлар, булакларга ажратилади, сунгра таълимдан мулжалланган натижа олиш учун амаллар кетма-кет бажарилиши ва лойих,алаштирилган ишлар поёнига етказилиши кузда тутилади. Энг муҳ,ими, ушбу техно-логияда урганиладиган материал мультимедиа асосида тақдим этилади.

Бола миясига бундай «мультимедиавий х,ужум» натижасида боланинг узлаштириш даражаси кутарилиб, машҒулот самарадор-лиги ошади. Мультимедианинг юкорида санаб утилган ташкил этувчиларини компютерда ишлов бериш (технологик жараён) натижасида, уларнинг битта пакетда (дискда) жой-лаштирилиши мультимедиа технологиясининг мазмунини акс эттиради.

Таълимий мультимедиа технологиясида таълим жараёни «мультимедиавий хужум» методи асосида амалга оширилади, яъни бу жараёнда мактабгача таълим муассасаларининг тарбияланувчиларининг миясига бир вақтнинг узида мультимедианинг камида учта ташкил этувчиси - аудио, видео ва анимация орқали таъсир этилишидан иборат. Шунга кура, таълимий мультимедиа технологиясини мактабгача таълим муассасаларининг таълим-тарбия жараёнида фойдаланишга мулжалланган инновацион технология деб қарашимиз мумкин.

Мультимедиали дидактик воситалар тар-бияланувчи таффакурини ривожлантириш, аклий фаолиятини ошириш, диққатини баркарорлаштириш, идрокларини фаоллаштиришга қаратилгандир.

Болалар онгида табиатдаги гузалликдан завқ олишни тарбиялаш, теварак-атрофни тоза ва озода саклаш, хайвон ва кушларга озор бермаслик, гуллар, ут-уланларни пайхон килмаслик, дарахт шохларини синдирмаслик, куш уялари, чумолиларнинг инини бузмаслик каби хислатларни шакллантирилиши керак.

Сунгги йиллардаги таълим-тарбия мазмуни, шакли, восита ва методларини янгилашга эътибор бериш, мактабгача таълимга оид инновацияларни излаш, уни таълим-тарбия жараёнига, тарбиячиларнинг педагогик фаолиятига киритиб боришда малака ошириш тизимининг ахамияти каттадир. Айниқса, педагогик жараёнга илFor педагогик технологияларни татбиқ этиш, инновацияларни жорий этиш, уқитувчи ва тарбиячиларни замонавий усуллардан фойдаланиш, куникма ва малакалари билан курол-лантириш малака ошириш тизими олдида қуйилган вазифалар замирида амалга оширил-моқда.

Педагогика йуналишида татбиқ килиниши лозим булган мухим масала борки, у хам булса тарбиячиларнинг педагогик жараёни замонавий усуллар асосида максадли, тизимли ва натижаларни башорат кила олиш орқали методик жихатдан туҒри ташкил этишларини таъминлашдир.

Интерфаол ўйин усуллари хозирги кунда таълим ислохотларидаги устувор жихати ва педагогик муаммоларни хал этишдаги роли, таълим самарадорлигини таъминловчи мухим омиллардан эканлигини эътироф этиш жоиздир. Педагогик технология назариясининг мухим жихати хар бир педагогнинг уз имконияти даражасида, шунингдек, турли ёшдаги таълим олувчиларнинг узига хос хусусиятларини ино-батга олган холда,

укув фаоллигини ошириш мақсадида таълим жараёнида интерфаол методлардан самарали фойдалана олиш билан белгиланади.

Хозирги вақтда дунё психологлари таъкид-лаганидек, «индиго»¹ болалар дунёда содир булаётган воқеа-ходисаларни катталардан тез сезмокдалар. Шунинг учун бугунги кун тарбиячилари олдида бир катор долзарб вазифалар турибди. Шулардан бири таълим жараёнида интерактив усуллардан фойдаланишдир. «МТМ тарбиячилари қайси интерактив ўйин усуллардан қандай фойдалана олади?» деган ҳақли савол тугилади.

«...Педагог болаларимизга замонавий билим берсин деб талаб қиламиз. Аммо замонавий билим бериш учун, аввало, мураббийнинг узи ана шундай билимга эга булиши керак»[2].

Тарбиячиларни интерактив оқбу усуллардан оқилона, мақсад ва шароитга мувофиқ тарзда дидактик тамойилларга асосланган ҳолда фойдаланишга ургатиш бугунги кунда замонавий педагогиканинг муҳим масалаларидан бири ҳисобланади.

МТМ тарбиячилари ўз фаолиятларига замонавий усулларни мактабгача таълимга оид ил-мий мақолалар, рисоалар, маҳаллий илҒор тажрибаларни урганиш орқали татбиқ этиб келмокдалар. Баъзан, интерактив усулларнинг моҳияти ва мақсадини тулик англамаган ҳолда кулламокдалар. Шунинг учун малака ошириш жараёнининг узида интерактив уқув муҳити яратилиб, тарбиячилар унинг бевосита ишти-рокчисига айлансалар, яъни ҳар бир интерфаол усулни бевосита узларидан утқазиб узлаштирсалар, ушбу усулларни мактабгача таълимга мослаштириб, амалиётга татбиқ этишлари шун-чалик осон ва қулай кечади.

Мактабгача таълим муассасаларида интерактив усуллардан «Ақлий ҳужум», «Ролли ўйин», «Кичик гуруҳларда ишлаш», «Баҳс-мунозара», «Галереяга сайр», «Кластер», «Бумеранг», «ЭнерҒайзерлар»дан фойдаланиш мумкин. Тарбиячи машҒулот утқазиб жараёнида

машҒулотнинг боши ва охирида мавзу юзасидан болаларнинг тушунчаларини аниқлаш ҳамда олган билимларини мустаҳкамлаш учун аклий хужум усулидан фойдаланиши мақсадга мувофиқ. «Кичик гуруҳларда ишлаш» болаларнинг узаро мулоқот ва фикр алмашувиغا асосланади. Бунда гуруҳда таҳлил қилиш, текшириш асосида берилган мавзу ишлаб чиқилади. «Ролли уйинлар»да болаларга бирор муаммо-ли вазият берилади. Болалар бу метод ёрдами-да реал ҳаёт ҳолатларини жонлантирадилар. Баҳс-мунозара методида болаларга бир кун олдин мавзу берилади. Болалар саволларга ота-оналаридан сураб жавоб топиб келадилар ҳамда берилган саволларга жавоблар «баҳс-мунозара» асосида олиб борилади.

Ҳозирги кунда педагогик технология ҳақидаги аниқ, тушунча ва тасаввурлар бор бўлса-да, мактабгача таълим муассасалари педагог-ларида технологияни методикадан фарқлай олмаслик каби муаммолар учрайди. Ваҳоланки, улар орасида жиддий фарқлар мавжуд бўлиб, қуйида улар ҳақида назарий маълумотлар бе-рилган.

Педагогик технология - болани мустақил ижод қилиш, билим олиш, фикрлашга ургатишни қафолатлайдиган жараёндир.

Методика - педагогнинг билими, қуникмаси, маҳорати, шахсий сифатлари, темпераментига боғлиқ бўлиб, маълум шахс, педагог учун қулай бўлган уқитиш усуллари ва йуллари мажмуи-дир. У алоҳида методикаларга ажратилади. Педагогика фани маълум уқув фанларини уқитиш қонуниятларини тадқиқ қилади. Масалан, тиллар методикаси, арифметика методикаси ва шу қабилар.

Методиканинг педагогик технологиядан фарқини тушуниш ва амалда ҳар иккисидан унумли фойдалана билиш талаб этилади. Улар орасидаги фарқлар 1-жадвалда келтирилган.

«Педагогик технология» тушунчаси хусусий фанлар ва маҳаллий даражалардаги уқитиш методикалари тушунчаси билан мос келадиган доллар хусусий даражадаги педагогик техноло-гияларга тегишли.

Технологияларда купрок процессуал, микдорий ва ҳисоб-китоб компонентлари ифодаланса, методикаларда мақсад, мазмун, сифат ва вариантли йуналтирувчи томонлари купрок ифодаланади. Технология методикалардан узининг кайта тикланувчанлиги, натижаларининг турғунлиги, куплаб «агар»лар (агар тарбиячи истеъдодли, агар болалар қобилиятли булса, агар яхши ота-оналар булса...) йуқлиги билан фарк қилади. Яъни, технология тегишли тайёргарликка эга булган ҳамма мутахассислар то-монидан кайта тиклаш ва куллаш мумкинлиги билан жуда ҳам индивидуал булган методдан фарк қилади.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, таълим самарадорлиги ва сифати борасидаги турли мулоҳазалар ҳам бизни яна бир бор тафаккур қилишимизга асос бўла олади. Замонавий интерфаол ўйин технологияларидан фойдаланиш ҳозирги замон талаби бўлиб, бундан мунтазаи равишда фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Юқорида айтилганларнинг ҳаммаси ўз-ўзидан амалга ошмайди албатта. Бу ишларнинг, ютуқларнинг замирида чуқур изланиш, катта меҳнат турибди. Булар миннат учун эмас, вазиятни тўғри баҳолаш мақсадида айтилмоқда.

Адабиётлар:

1. Баркамол авлод орзуси. Туплам. / Тузувчилар Ш.К,уронов, Х.Саидов, Р.Ахлиддинов. - Т.: «Шарк», 1999.

2. Рамакаева Е. Одаренные и дети индиго: как их распознать. // «БошланҒич таълим», 2016, 3-сон.

3. «Ўзбекистонда мактабгача таълим тизимини модернизациялаштириш - юксак маънавийатли келажак авлодни тарбиялаш

негизидир» мавзусидаги Республика илмий-амалий анжумани материаллари. - Т., 2009.

4. Ишмухамедов Р., Абдукодиров А., Пардаев А. Таълимда инновацион технологиялар. Амалий тавсиялар. - Т.: «Истеъдод», 2008.

5. Йулдошев Ж., Усмонов С. Замонавий педагогик технологияларни амалиётга жо-рий қилиш. - Т.: «Фан ва техника», 2008.

6 Ишмухамедов Р., Абдукодиров А., «Истеъдод», 2008. -96-б. Пардаев А. Таълимда инновацион технологиялар. Амалий тавсиялар. - Т.:

7 Алимтаева М. Мактабгача ёшдаги болалар билан тажриба ишларини ташкил этиш. // «Ўзбекистонда мактабгача таълим тизимини модернизациялаштириш - юк-сак маънавиятли келажак авлодни тарбиялаш негизи-дир» мавзусидаги Республика илмий-амалий анжумани материаллари. - Т., 2009. -80-б.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 29 декабрдаги «2017-2021 йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари туғрисида»ги ПК-2707-сон қарори. // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 1-сон, 11-модда, 35-сон, 923-модда.

9. Абдукодиров А.А., Бегматова Н.Х. Мактабгача таълим муассасаларида мультимедиа технологиясидан фойдаланиш услубиёти (уқув-услубий қўлланма). - Қарши: «Насаф», 2011. -163-б.

10. Бегматова Н.Х. Методика проведения компьютерных образовательных игр в дошкольных учреждениях. // Технологии и методики в образовании, Воронеж, 2011, № 3. -С. 4.